

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

АЖИНИЕЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИК ИНСТИТУТИ

Педагогика кафедраси

Оила педагогикаси фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Укитувчи:

Т.Сапарбаева

Н У К У С

Оила педагогикаси хақида тушунча. Оилада бола тарбиясининг тарихий
коидалари асосида бу фаннинг юзага келиши.

Режа

- 1.Оиланинг мамлакатлик сиёсатга тутган урни.
- 2.Янги оилани шакиллантириш асослари.
- 3.Замонавий оиланинг узига хос хусусиятлари.
- 4.Инсоний қадриятларнинг шаклланиш даражаси.
- 5.Ота-онанинг саводконлик даражаси.
- 6.Мустиқил Ўзбекистоннинг оилаларининг миллий ҳаракатлари.

Адабиётлар.

- 1.И.Каримов. Барқомол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т-1997й.
- 2.И.Каримов. Озод ва обод Ватан,эркин ва фаровон ҳаёт-пиروард мақсадимиз.Т-2000й.
- 3.А.К.Мунавваров.Педагогика.Т-1996й.
- 4.А.К.Мунавваров.Оила педагогикаси.Т-1994й.
- 5.В.Н.Дружина. Социальная психология.С-Пб. 2002й.
6. О.Тўраева «Ойлавий ҳаёт этикаси ва психологияси»Т-1998й.

Жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш шароитида инсон омилини вужудга келтириш давр талабига айланди. Барқомол инсон ҳақида, унинг меҳнати ва турмуши, маънавий тараққиети ҳақида ғамхўрлик жумхуриятимизнинг асосий мақсадидир. Киши ҳислатлари унинг меҳнатга, маънавий, ғоявий ва маданий бойликларга муносабатининг асослари оилада шаклланади. Жамият мустаҳкам, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом оила бўлишидан манфаатдордир. Шу сабабли жумхуриятимиз оилани мустаҳкамлашни, болалар тарбияси, шунингдек, ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашда ердам беришни давлат аҳамиятига молик иш деб билади.

Кейинги йилларда республикаимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қарор ва йўл-йўриқларда халқимизнинг ижтимоий-маданий юксалишини таъминловчи фикрлар, тавсиялар берилдики, булар республикаимизнинг асоси – оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камолотида муҳим роль ўйнамоқда. Чунки оилаларнинг ҳар томонлама юксалиши, таъбир жоиз бўлса, жамиятнинг юксалиши демакдир. Худди шу маънода келажакимиз бўлмиш еш авлод тарбияси ва унинг тараққиети давлат аҳамиятига молик масала ҳамдир. Иккинчи томондан, жамиятнинг оила ва оилавий тарбияга бўлган талаби ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Зотан, ота-оналарнинг болалар тарбияси юзасидан масъулиятини кучайтириш, тарбиялашга оид лаёқатини ошириш, оилавий ва ижтимоий тарбия бирлигини таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир.

Оилавий тарбия деганда ота-оналарнинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзлари асосида бола шахсида дунёқараш асослари, сиёсий, ахлоқий, эстетик ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида мунтазам, изчил, ғоявий ва маънавий таъсир кўрсатиш жараёни тушунилади. Бироқ, бунда жамиятимиз тараққиети муносабати билан оила, унинг барча ҳаётий босқичлари жиддий ўзгаришларга учраётганлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Миллатларнинг тарихий, миллий ва регионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оилалар тараққиётини умумий ва хусусий тараққиётлар асосида оилавий тарбияни мақсадга мувофиқ яхшилаш лозим. Бу давлатимизнинг оилада еш

авлодни ҳар томонлама камол топтириш жараёнига қаратилган илмий ва амалий тавсияларидан биридир.

Ҳозирги замон тараққиети ҳар бир шахсдан воқеликни тўғри тушунишни, хулоса чиқаришни, ахлоқий покликни ва ҳиссий-асабий чидамликни, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида мустаҳкам ва фаол бўлишни талаб этмоқда. Маълумки, шахснинг бундай ижтимоий, эмоционал, ҳулёкий ва бошқа сифатларига оила асос солади, шакллантиради ва камол топтиради.

Келажагимизнинг қандай бўлиши ҳозирги кунда бир тарбиялаётган ешларга боғлиқ. Бундай улкан вазифани амалга оширувчи, моддий ва маънавий бойликларни яратувчи асос оиладир. Оила жамиятнинг бошланғич ижтимоий бўғин сифатида мураккаб таркибга эга бўлиб, у ўз фаолиятида оила аъзоларининг эҳтиежи ва қобиляти, турли фаолиятнинг мақсад ва вазифаларинигина эмас, балки тарбиявий фаолиятни ҳам акс эттиради. Унинг мураккаб ва кўпқиррали фаолиятининг ҳаётйилиги икки томонламадир.

- биринчидан, жамиятнинг кичик бир қисми ижтимоий ўзгаришларни ўта сезгирлик билан илғаб оладиган, ўзида акс эттирадиган белгидир. Шунга асосланиб оилавий тарбияни ижтимоий тарбиянинг асосий қисмларидан бири деб ҳисоблаш лозим.

- иккинчидан, оиланинг мураккаб ва кўпқиррали фаолияти унинг вазифалари ва тузилишига, ижтимоий турмуш тарзига, оила аъзоларининг ижтимоий фаолиятларига, уларнинг барча қизиқишлари, эҳтиежлари ва муносабатларига боғлиқлигини назардан қочирмаслик керак.

Оилавий тарбия методологиси ва методикаси учун энг муҳими унинг алоқадор томонларини, яъни тарбиявий вазифаларни бир маромга солиш, оиланинг ўзига хос хусусиятларини вамавжух имкониятларини аниқаш катта аҳамият касб этади.

Оиланинг тузилиши ва вазифаларини таҳлил этишда у жамиятнинг ижтимоий-маънавий ўзаги эканлиги яна бир бор аен бўлмоқда. Шу сабабли оиланинг аниқ бир мақоми, асоси бўлиши керак ва у кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши, ешларда ахлоқий фазилатларни, жисмоний камолотни, ақлий зййракликни шакллантириши зарур.

Оилавий тарбиянинг ўзига хослиги шундаки, у болаларги ота-оналарнинг ота-оналик, қон-қариндошлик ҳислатларини узатиб, шахснинг умумий ва ҳиссий ривожланишинигина таъминлаб қолмай, балки шахснинг мавжуд имкониятларини ва ахлоқий камолотини ҳам ўстиради. Шу сабабли оилавий тарбия доимо мавжудлиги, кўрсатмалйилиги ва сержилолиги билан ажралиб туради. Унда асосий вазифани халқ, одобга доир тадбирларни болага тўғри ўргатиш, маслаҳат бериш, катталар тажрибасигина эмас, балки оиланинг яшаш тарзи, муҳити, ота-оналарнинг касб-ҳунари, оила аъзоларининг маънавий-руҳий муносабатлари ўйнайди.

Оила ва оилавий тарбия муаммолари билан шуғулланувчи олимларнинг тадқиқотларида асосий эътибор оила бўйича амалдаги бўлинишга ва болалар тарбиясида ота-оналарнинг фаол даражасига қаратилади. Шунингдек, ота-оналарнинг, болаларнинг ҳамда аелларнинг бандлиги ва уларнинг болалар тарбиясига бўлган таъсири оиланинг моддий имкониятлари ва турар жойларига боғлаб ўрганилади.

Жамиятнинг моддий ва маънавий камолоти ешларни турли ижтимоий вазифаларни бажаришга, тўпланган муносабатларга доир тажрибаларга, моддий ва маънавий кадриятларга ҳар томонлама ва узоқ тайерлаш лозимлигини талаб этмоқда. Оилавий тарбияда муҳим аҳамият касб этувчи объектив ва субъектив омилларни билмоқ лозим. Объектив омилларга оиланинг моддий фаровонлиги, даромадларнинг турлари, ўзига хослиги ва савияси, уй-жой билан таъминланиш даражаси, мактабгача муассасалардан фойдаланиш, шунингдек, оила аъзоларининг сони, таркиби ва бошқаларни киритиш мумкин. Субъектив омилларга эса оиладаги ўзаро

муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, маълумот, оила аъзоларининг маданий-маънавий савиялари, ота-оналарнинг муомала маданиятлари ва бошқалар қиради.

Оилавий тарбиянинг мураккаблиги яна шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам, жамиятнинг ўзига хос кичик уюшмаси бўлиб, тарбия ишида ўзига хос хусусиятларни намоён қилади. Ана шунинг учун ҳам оилавий тарбиянинг шакл ва услубларини умумлаштириш ва унга бирон-бир тавсиялар бериш ноқулай ва қийиндир. Ота-оналар қанчалик маънавий бой, эътиқодли ва юқори маълумотга эга бўлсалар, шу даражада такомиллашган услуб орқали ўз фарзандларини тарбиялайдилар. Улар фақат маслаҳат бериш, маъқуллаш, муқофотлаш, жазолаш, суҳбат ва ҳикоя, фикр алмашиш билангина эмас, балки шахсий намуналари, болалари билан биргаликда ишлаш, уларни меҳнат фаолиятига тортиш орқали ҳам тарбиялайдилар. Болалар фаолиятида иштирок этиш уларга тарбиявий таъсир кўрсатишнинг энг самарали усулидир. Агар болалар ота-оналарининг машғулотларига ўта қизиқиш билан муносабатда бўлишса, улар ўртасида дўстона муносабатлар қарор топади. Болалар ота-оналаридан, ака ва опаларидан ўзаро муносабат мезонларини ўрганиб, нима яхши-ю нима ёмон, нима фойдали-ю ва нима зарарли эканлигини билиб оладилар, улар ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўладилар. Бундан ташқари, оила тажрибали ва касби жихатидан турлича ешдаги кишиларни бирлаштириб туради. Оила аъзоларининг турмуш ва ҳаётий тажрибалари, маданий савиялари қанчалик бой бўлса, улар болалар билан шу даражада яхши мулоқотда бўла олишади, болаларнинг қизиқишларини ўстира олишади.

Ота-оналарнинг умумий, маданий, маълумот савияларининг кўтарилиши ва ижтимоий фаоллик қарор топиши мактаб ва оила алоқалари хусусиятининг ўзгаришига сабаб бўлди. Агар мактаб оила тарбияшунослигига ҳурмат билан муносабатда бўлса, унинг бойликларидан, яъни ота-оналар обрўси, шахсий намунаси, ижобий хиссиётлар асосида тарбиялашларидан фойдалана олса, у ҳолда ота-оналар оталиғи катта кучга, тарбия самарадорлигини таъминловчи мезонга айланади.

Ҳозирги замон оилалари мавжуд жамият билан узвий боғлангандир. Шаҳарларнинг ўсиши, яшаш шароитларининг яхшиланиши, халқнинг моддий ва маданий турмуш савиясининг ошиши ешларни баркамол инсон қилиб тарбиялашга таъсир қилади.

Оилавий тарбиянинг мақсади ва мазмуни барча регионлар бўйича олганда бир-биридан маълум даражада фарқланади. Бу фарқлар миллатларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, ижтимоий-тарбиявий ва маҳаллий шароитлар билан белгиланади. Чунки мамлакатимиздаги халқ ва элатларнинг тарихий-ижтимоий тараққиёт босқичи, оилавий турмушнинг тарихан таркиб топганлиги, бу борада диннинг салмоқли ҳиссаси ўзига хосликни вужудга келтиргандир.

Тарбия масаласига ендашадиган бўлсак, кам болали оилаларга нисбатан кўп болали оилаларда болалар тарбияси анча енгил кўчади. Чунки кўп болали оилалардаги болалар ота-оналарининг хатти-ҳаракатларини, ака ва опаларининг улар ўртасидаги ғамхўрликларини, айниқса, бир-бирларига бўлган дўстона муносабатларини, уйдаги ҳар хил вазифаларни сидқидилдан бажаришларини, кичикларнинг катталарга одоб билан муносабатда бўлишларини табиий ҳолда кўрадилар, кузатадилар. Ўзларида ҳам ана шундай ахлоқий сифатларни шакллантириш истаги вужудга келади. Шу сабабли бир қанча болалари бўлган оилада ота-оналарнинг ғамхўрликлари ўзига хос хусусият касб этади. Бундай ғамхўрлик тенг тақсимланган бўлади.

Катта оилада бола ешлигидан жамоага мослашади, ўзаро алоқалар асосида тажриба тўплайди. Агар оилада катта ва кичик болалар бўлса, улар ўртасида турли кўринишлардаги меҳр-муҳаббат ва дўстлик қарор топади. Оилавий ҳаёт болаларни инсоний муносабатларда ўз шахсини камол топтириш имкониятини беради. Кам болали оилаларга нисбатан кўп болали оилаларда шундай ҳаётий вазифалар мавжуд бўладики, масалан, катта акача ва кичик укача бўлган меҳр-муҳаббат, яъни бир-биридан

фарқланувчи ҳиссиётни, ака-ука ва опа-сингиллар ўртасида бир-бирлари билан нарсаларнинг тенг айирбошлаш ва бошқалар пайдо бўлади.

Оиланинг туб мақсади ва ҳаракатларининг мазмуни болаларни умуминсоний ҳуққ мезонларига риоя қилган ҳолда уларни бўлажак меҳнат фаолиятига тайерлашдан иборатдир. Қолаверса, уларнинг ғоявий-сиёсий, маданий-оқартув борасидаги қизиқишларига эътибор берилади. Бу борада турли оилаларда берилаётган тарбиянинг бир-биридан фарқи борлигини ҳам унутмаслик лозим. Агар оилада ота-оналар катта ешдаги кишилар бўлса, улар меҳнат нонидан баҳраманд бўлаётган бўлсалар, инсоний эътиқодлар мавжуд бўлса, бундай оилада тарбияланаётган ешлар ҳаётда муносиб инсон бўлиб етишадилар.

Оилада бола тарбияси мамлакатлик сиёсатнинг асосий факторларининг бири эканлиги.

Режа

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,»Оила ва никоҳ»низоми.
- 2.Оилада боланинг комил инсон бўлиб етилишида ота-онанинг уғут насихатлари.
- 3.Оилада Ватанпарварлик сезимларини тарбиялаш йуллари.
- 4.Меҳнат - оила тарбиясининг шарти сифатида,болаланинг ҳуққ-атворида тасир етиш усуллари,болани турмуш ҳужалигига ургатиш,уларни оила ва жамият мулкига бек бўлиш, вақтдан унамли фойдаланиш, ишбилармонлик хусусиятларини шакллантириш.

Адабиётлар.

- 1.И.Каримов. Баркомол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т-1997й.
- 2.И.Каримов. Озод ва обод Ватан,эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.Т-2000й.
- 3.А.К.Мунавваров.Педагогика.Т-1996й.
- 4.А.К.Мунавваров.Оила педагогикаси.Т-1994й.
- 5.В.Н.Дружина. Социальная психология.С-Пб. 2002й.
6. О.Тўраева «Ойлавий ҳаёт этикаси ва психологияси»Т-1998й.
- 7.З.Б.Қодиров. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари. Т-2001.
- 8.М.Қурамов. Оила – миллий тарбия ўчоғи. Халқ таълими .журнал. Т-1999
- 9.О.Хасанбоева. Педагогика тарихидан хрестоматия. Т-1993.
- 10.У.Отавалиева. Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги. Т-1998.

Ҳозирги замон оилаларнинг тарбия жабҳаларидаги умумий ва хусусий томонларини, вазифаларини билиш ниҳоятда аҳамиятлидир. Чунки бир болаларнинг боғча ва мактабда олаётган билимларини, ақлий қизиқишларини ҳисобга олганимиздагина оилавий тарбия иши самарадорлигини таъминлашимиз мумкин. Биз тарбиявий вазифаларимиз хусусиятларидан келиб чиқиб, болалар камолотига якка ҳолда ендашиш, ақлий, ахлоқий, меҳнат тарбия эҳтиёжини шакллантириш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш малакаси, маиший меҳнат, ижтимоий меҳнатга маънавий-руҳий тайерлаш каби мезон ва қоидаларни ҳисобга олиб иш тутишимиз ижобий мақсадга мувофиқдир. Бунисиз тарбия жараенини ижобий ҳал қила олмаймиз.

Оиладаги тарбиявий жабҳаларнинг савияси унинг тузилишига, кўп болалик еки кам болалик, икки еки уч авлоднинг биргаликда яшаши, ота-онанинг мавжудлиги еки улардан бирортасининг йўқлиги, ҳар икки жинсдаги (ўғил-қиз) болаларининг борлигига, ота-оналарнинг маълумот савиясига, оила аъзоларининг ижтимоий аҳволига, болалар тарбияси бўйича ўз бурчларини ҳис этишлари, эр ва хотиннинг тарбиявий жабҳаларга муносабати каби ижтимоий омилларга боғлиқ. Шунингдек, оилавий тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда оила тузилишининг миллий ўзига хослигини аниқлашда оила тузилишининг миллий ўзига хослигини ва миллий анъаналардан фойдаланиш даражасини ҳисобга олиш лозим.

Болалар тарбияси оиланинг инсонни бунед этувчи табиий ва ижтимоий моҳияти билан узвий боғлиқдир. Худди шу маънода тарбия ўз моҳиятига кўра шундай бир жараенки, у тарбияланувчининг биологик, ижтимоий эҳтиёж турларини, ўзининг қадри, қизиқиш ва ғояларини жамият талабларига бўйсундиришда намоёт бўлади.

Бола оилада, мактабда, ота-оналар билан муносабатда, жамоат жойларида, катта ешдагилар, ўртоқлари билан мулоқотда тажриба орттириб боради.

Оилаларда болаларга тарбия беришда ота-онанинг намунаси, уларнинг меҳнатсеварлиги, оилавий ишларга жавобгарлиги, иш юритиши, ўғил болаларга нисбатан отанинг, қизларга эса онанинг устозлик, раҳнамолик ишлари асосий ўринни эгаллайди. Бу фикрлар оилаларда ўтказилган анкета маълумотлари ердамида аниқланди.

Анкета мазмунида қуйидаги саволлар бор эди.

1. Фамилиянгиз, исмингиз, отангизни исми, туғилган йилингиз, маълумотингиз, касбингиз ва адресингиз.

2. Оилангизда неча фарзандингиз бор.

3. Сизнинг севган машғулотиңиз.

4. Болангиз севган машғулотларни санаб беринг.

5. Оилангизда фарзандларингиз машғулоти учун қандай шароитлар мавжуд. Махсус хона, стол, стул, китоб шкафлари, радио ва бошқалар.

6. Болангизни тарбиялашда қийналяпсизми. Ҳа еки йўқ.

7. Сизнингча оила тарбиясини нима қийинлаштиряпти. (Тарбияга оид билимларнинг етишмаслиги, ота-оналарнинг бемаслаҳат иш олиб бориши, болаларни иш билан банд этмаслик, ешига, қизиқишларига қараб муомала қилмаслик, хўжалик ишларининг бажарилишида иштирок этмаслиги ва ҳоказо).

8. Сиз тарбия ишида услублар зарур деб ҳисоблайсизми. Ҳа еки йўқ. Бир кунда неча соат бола тарбияси билан шуғулланасиз.

9. Оилангизда бола тарбияси билан ким кўпроқ шуғулланади, бобоси, бувиси, онаси, отаси, акаси, опаси ва бошқалар.

10. Сиз кўпроқ нима туфайли болангизга танбеҳ берасиз, жазолайсиз, келиша олмайсиз.

11. Сиз ва болаларингизнинг келажак ҳақидаги қарашларида қарама-қаршилик мавжудми. Фикрларингиз тўғри келадими. Ҳа еки йўқ.

12. Болангиз нима сабабдан у еки бу ноўрин хатоларга йўл қўйиши ҳолларига эътибор берасизми. Ҳа еки йўқ. Сабабини суриштирмай жазолайсизми. Сабабини ҳисобга оласизми.

13. Оилангизда ўз-аро муносабатни қандай баҳолайсиз.

14. Қизингиз еки ўғлингиз ҳақида кимлардан кўпроқ маълумот олиб турасиз. Кишилардан, жамоатчиликдан, ўқитувчилардан еки бошқалардан.

15. Тарбияга оид адабиётларни, рўзнома ва ойномаларни мунтазам ўқиб борасизми. Тарбия ишлари ҳақидаги қандай газета ва журналларга обуна бўлгансиз.

16. Тарбияга оид ойнаи жаҳон кўрсатувларини томоша қиласизми. Эшиттиришларни мунтазам эшитасизми.

17. Оилангизда болаларингизга эртақ, мақол, топишмоқлар айтиб берасизми.

18. Шу ўқув йилида неча марта ва нима сабабдан мактабда бўлдингиз.

19. Неча марта ва қандай мақсад билан синф раҳбарлари уйингизда бўлди. Ҳар ойда неча марта синф раҳбари сизникига келади.

20. Болаларнинг ўзлаштириши ва тарбия сифатларини яхшилаш учун қандай маслаҳат берасиз.

Кузатишларнинг кўрсатишича, кам болали оилаларга нисбатан кўп болали оилаларда тарбия имкониятлари кўр ва ранг-барангдир.

Ешларни оилавий ҳаётга, никоҳга тайерлашда, оила мустаҳкамлигини таъминлашда никоҳланувчиларнинг ота-оналари савиясига, турмуш тарзига, характер хусусиятларига ва ниҳоят, касб фаолиятларига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Оила ҳўжалигида меҳнат тақсмоти энг қадимий ва маданий ижтимоий бир ҳолдир. Ҳозирги кунда эса, шаҳар ва қишлоқ оилаларида эр ва хотин ўзаро масъулиятли ишларни бўлишиб олишнинг кўплаб турларини вужудга келтиришди. Аниқроқ қилиб айтганда, барча оилавий ишларни бажаришда тенг ҳуқуқлилик йўналиши яққол кўзга ташланади. Айниқса, бу болалар тарбияси вазифасининг бажарилишида кўпроқ намоён бўлмоқда.

Битта еки кам болали оилаларда бола тарбияси

Туғилиш ахлоқнинг ривожланиши, ўсиш кўрсаткичидир. Бироқ кейинги ўн йилликлар ичида кўп болали оилаларнинг кескин камайиши ҳисобига битта, иккита бола билан чекланиш, оилада туғилишнинг пасайишига олиб келди.

Бола тарбиясига кўп вақт сарф қилинади. Лекин оилада туғилган якка фарзанд катталарнинг жонли ўйинчоғи, севиклиси, катталарнинг диққат маркази, қувончи ва эркатоий сифатида вояга етади. Унинг бирон нарсадан норозилиги ва йиғиси ота-она дунесини қоронғилаштиради. Ўзлари емай-ичмай, якка фарзандларини оқ тараб, кийинтириб, ҳатто турли-туман совғалар уюштирадилар. Бу билан боласининг келгуси тараққиетини бузаётганликларини ўйдошши ҳам ектирмайдилар.

Боланинг тўғри ўсиши, одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши, уларнинг қайғуларига ҳамдардлик кўрсатиш ҳисси таркиб топиши учун оилада ҳеч бўлмаганда ўзига ўхшаш яна бир киши (қизми, ўғилми) бўлиши зарурдир. Оилада камида иккита фарзанднинг бўлиши фақат уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини яхшилабгина қолмасдан, балки жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиежларига ҳам мос келади.

Ижтимоий ва психологик нуқтаи назардан боласизлик еки кам болалик оила мустаҳкамлигини таъминламайди. Мамлакатимиздаги оилавий ажралишларнинг аксарияти еки боласи йўқ, еки кам болали оилаларга тўғри келмоқда. Юқорида таъкидлаганимиздек ота-она якка фарзанднинг тарбиясига ниҳоятда кўп вақт ажратади, лекин кўп ҳолларда салбий натижа кўришади. Оилада якка фарзанд тарбиясидаги камчилик натижалари бола ўсмирлик ешига етганида бирдан юзага чиқади, ва, ниҳоят, бу камчилик ўсмир ўсиб, улғайиб, ўзи оила қурганда янада яққолроқ намоён бўлади.

Оила тарбиясида шароит, яъни уларнинг қишлоқ еки шаҳарда яшашлари ҳам болалар тарбиясига у еки бу даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Одатда, қишлоқ

шароитида яшовчи оила фарзандлари ешлигидан бошлаб кучи етадиган ишларга жалб этилади, яъни улар уй юмушларини бажариш, уй хайвонларини парваришлаш, уларга ем, сув бериш, ота-оналарига далалардаги ҳосилни, полиз экинлари, меваларини йиғиб-териб олишларида яқиндан ердам беришади. Қизлар эса уй юмушларини, яъни тозалаш, овқат пишириш, хамир қориш, нри епиш ва ҳоказо машгулотларни жондилидан бажарадилар. Шаҳар оилаларидаги шароит улардан тубдан фарқ қилади. Озчилик бўлса-да шаҳар оилаларининг болалари мактабнинг турли жонли бурчакларида, тажриба ишларида, дарахтларни парвариш қилишда иштирок этишади. Лекин бу ишларни ота-оналарининг иштирокисиз, ҳар замонда бажарадилар. Натижада бекорчилик кучаяди еки спорт майдончаларидан бери келишмайди, шаҳар бўйлаб санғиб юришади.

Кўп болали оилаларда болалар тарбияси

Зиели ва хизматчилар оиласининг қишлоқда еки шаҳарда яшашларига қараб болаларига бериладиган тарбияда ҳам бирмунча фарқлар мавжуд. Шаҳарларда яшовчи кўп болали зиели еки хизматчи оилаларидан фарқли ўлароқ қишлоқлардаги шу тоифадаги оилаларда болалар сиесий, маданий-оқартув ишларидан ташқари ота-оналари ҳам, болалар ҳам хўжалик далаларида, боғ ва полизда меҳнат қиладилар. Кўлидан иш келадиган барча ешлар ота- оналари енида мунтазам меҳнат қилиш билан банд бўладилар, жисмоний меҳнатга нисбатан тайер бўлиб вояга етадилар.

Тарбиянинг самарадорлиги оиладаги болалар меҳнати, уларнинг уй хўжалигидаги фаол иштироки, шунингдек, оилавий турмуш шароитлари билан белгиланади. Қишлоқ оилаларидаги тарбия ўзининг структураси ва мазмунига кўра ишчи, хизматчи ва зиели оилалардан тубдан фарқ қилади. Айрим ҳолатларни ҳисобга олмаганда қишлоқ оилалари болалари йилнинг деярли барча фаслларида ҳам меҳнат фаолиятига тортилган бўлади.

Кўп болали деҳқон оилаларидаги тарбиянинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, бундай оила болалар жамоасининг маркази, асосий тарбия воситаси эса ота-онанинг намунаси, уларнинг хулқи, одоби, бир-бирларига бўлган илиқ муомалалари, оиладаги, ишлаб чиқаришдаги актив жисмоний меҳнатларидир.

Болалар нутқи шаклланиши, ривожланиши асосида уларни катталарга ҳурмат, дўстлик, инсонийлик, ҳалоллик каби одоб қоидаларига ўргатиб борилади. Шу асосда оилада кундалик иш давомида болаларда хулқ-атвор мезонларини қарор топтириб боради. Худди ана шу хулқий мезонлар асосида кейинчалик ахлоқнинг мураккаб шакллари – жамоатчилик, ватанпарварлик, ҳаётнинг ижтимоий-сиесий томонларига қизиқишнинг дастлабки шаклланиш жараени давом этади. Оиладаги ахлоқий тарбия фақат хулқни тарбиялаш билан чекланмасдан, балки баркамол инсон ахлоқини тўғри тасаввур қилдиради, унинг таркиби, кўникма ва малакаларини шакллантиради. Мана шу асосда оила аъзоларида инсон характери, ҳаёт босқичлари қарор топади. Оилавий ҳаётнинг ўзига хослиги ҳам мана шунда.

Ҳозирги замон кўп болали оилаларда ўсиб келатган еш авлодни ҳар томонлама тарбиялашнинг барча воситалари, шакл ва услубларидан амалда унумли фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кунда ота-оналар ҳал қилишлари ниҳоятда зарур бир қанча тарбиявий муаммолар мавжуд. Бундай муаммолар нотўлиқ оилаларда нисбатан кўп бўлиб, улар болаларнинг руҳий камолотида намоен бўлмоқда. Ота-оналар эса ҳар доим ҳам бу ҳолатни билиб, тўғри тушунавермайдилар. Баъзан эса болалар ҳам ақли етадиган масалалар бўйича катталарга мурожаат этмасликлари, масалани ижобий ҳал этмасликлари натижасида оналари еки катта ешдаги кишилар ҳаётини, турмушини мушкул аҳволга солиб қўядилар.

Умуман олганда ҳамма оилалар тарбияси учун яроқли умумий формула топиш мумкин эмас, лекин болалар тарбияси бўйича тўпланган илғор тажрибалар асосида оиланинг умумий хусусиятларидан келиб чиқиб, келажакда кутилиш мумкин бўлган

тарбия натижаларини ҳисобга олиб, бир неча омиллар ҳақида маслаҳат бериш мумкин. Масалан, болалар тарбиясида оилавий муҳит махсус таъсир кучига эга. Муҳит дейилганда оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, болаларга таъсир кўрсатиш усуллари, оилада мавжуд бўлган бошқа шакл ва услублар йиғиндисига айтилади. Оила муҳитининг мазмуни ота-оналарнинг, катта ешдаги аъзоларининг ғоявий-сиёсий онглиликларида намоён бўлади.

Бола тарбиясида оила билан маҳалла жамоасининг уз-аро мулохати.

Режа

- 1.Ўзбекистон Республикаси «Ўз-узини бошқариш органлари ҳақидаги»ниҳом ҳақида.
- 2.Мактабгача тарбия ешидаги болаларнинг тарбияси билан ҳамкорлик богчаларнинг уз-аро мусобакалар,байрамлар утказиш методикаси.
- 3.Мактаб, оила ва жамоанинг бир-бири билан богликлиги.

Адабиетлар.

- 1.И.Каримов. Баркомол авлод -Ўзбекистон тараққиятининг пойдевори. Т-1997й.
- 2.И.Каримов. Озод ва обод Ватан,эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз.Т-2000й.
- 3.А.К.Мунавваров.Педагогика.Т-1996й.
- 4.А.К.Мунавваров.Оила педагогикаси.Т-1994й.
- 5.В.Н.Дружина. Социальная психология.С-Пб. 2002й.
6. О.Тўраева «Ойлавий ҳаёт этикаси ва психологияси»Т-1998й.
- 7.З.Б.Қодиров. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари. Т-2001.
- 8.М.Қурамов. Оила – миллий тарбия ўчоғи. Халқ таълими .журнал. Т-1999
- 9.О.Хасанбоева. Педагогика тарихидан хрестоматия. Т-1993.
- 10.У.Отавалиева. Бола тарбиясида богча ва оила ҳамкорлиги. Т-1998.

Оила ўзининг тарихий тараққияти даврида узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Бу йўлнинг ўзига хос хусусиятларидан бири жамиятнинг ўзаро алоқалари ва ижтимоий вазибаларининг тубдан ўзгарганлигидир.

Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий тузилишининг ўзгариши оиланинг шаклланишига, унинг ўзаро алоқа шаклларига таъсир кўрсатади. Айниқса, жамиятнинг моддий техника ва маънавий йўналишидаги ўзгаришлари оила фаолиятининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бундай ўзгаришлар оила қуриш, меҳр-муҳаббат, ўзаро дўстлик ва фарзанд кўришни режалаштиришда ўз ифодасини топомқда.

Давлатимиз оилаларни ўзининг олиб борадиган сиёсати марказида олиб қарайди. Шу сабабли имконият доирасида моддий ва маънавий ердам беришга мажбур. Оилавий тарбияни мактаб, жамоатчилик билан уйғунлигини таъминлашдан манфаатдордир.

Оиланинг энг муҳим хусусиятларидан бири инсонлар авлодини кўпайтиришдир. Болаларни ижтимоий ҳаётга тайерлаш борасида оила маълум даражада ижтимоий ташкилотлар билан жамият тараққиятига ҳамоҳанг ҳолда фаолиятда бўлмоқда. Оилавий тарбия муаммоларини тадқиқ этиш, асосан икки йўналишда олиб борилмоқда. Бир томонда оилавий тарбия педагогиканинг анъанавий қисми сифатида ўрганилмоқда. Иккинчи томондан эса оила социология ва филология йўналишида ҳам тадқиқ

этилмоқда. Матбуотда эълон қилинган мақолаларда мазкур соҳага қизиққан олимларнинг оилавий тарбия хусусиятларига ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан ендашаётганликлари маълум бўлмоқда.

Болаларнинг болалар ясли ва боғчасида узоқ муддат бўлишлари уларнинг камолотига, эҳтиёж, қизиқиш ва муомала характериға салбий таъсир кўрсатади. Бахтга қарши ҳозирги вақтда ота-оналарнинг ишлаб чиқаришда кўплаб машғул бўлишлари сабабли ўзларининг тўлақонли тарбиявий вазифаларини бажара олмасликларини тасдиқламоқда.

Оилавий тарбия ижтимоий тарбия билан узвий алоқада бўлсагина ўсиб келаётган еш авлод фаровонлигини таъминлаш мумкин. У еки бунисининг йўқлиги тарбиявий жараенга салбий таъсир кўрсатади.

Республикаимизда айни ҳозирги кунда оилаларнинг ижтимоий аҳамияти ортиб бормоқда. Оилаларнинг моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш асосида болалар тарбияси учун жавобгарликни кучайтириш жараени тезлашмоқда. Биз учун оила мустаҳкамлигини таъминловчи ахлоқий руҳий алоқалар жуда муҳимдир. Худди ана шу алоқадорлик оилавий муносабатлар, тўлақонли ҳиссий-эмоционал, оталик еки оналик, оилавий бахтни таъминлаш эҳтиёжларини қондиради.

Ота-оналарға педагогик билим бериш, оилавий тарбия бўйича тажриба алмашиши, ота ва оналарни тарбия ишларига қизғин жалб қилиш учун уларни мактабга, маҳалла қўмиталарига таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Ота-оналарнинг бу борадаги энг муҳим вазифалари болалари камолотини олдиндан тасаввур эта олишлари, тарбия мақсадини аниқлашларидир.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш фаолиятни моҳирлик билан ташкил этишга боғлиқ. Бунинг учун -

а) Болаларнинг ҳаёти ва машғулотини тўғри ташкил этиш (режим, ўйин, меҳнат, уйдаги ўқув ишлари, спорт ва шунга ўхшаш)

б) Ўзининг шахсий фаолияти ва дам олишини ташкил этиш (ишда, уй-хўжалигида, болаларни парваришда, ўқишда, дам олишда, еш авлод тарбияси юзасидан жамоат ишларида ва ҳоказо).

Бирок, бу йўлда бир қанча қийинчиликлар мавжуд. Биринчи қийинчилик шундан иборатки, илғор оилалар ҳам тарбиянинг мақсадини ва ўз масъулиятларини яхши билсалар ҳам тарбия услублари, усул ва воситаларини аниқ қўллай олмайдилар. Маълумки, оилада бирон-бир услуб алоҳида қўлланилмайди, балки барча услублар уйғунлашувда қўлланилади. Бизнинг ҳозирги шароитимизда кўпроқ ишонтириш ва унга ҳамоҳанг услублар кўпроқ татбиқ этилади (масалан, маъқуллаш, рағбатлаштириш). Мажбур этиш эса бошқаларга нисбатан ердамчи усул сифатида қўлланилади.

Демак, тарбия усуллари ва услубларини танлаш, уларни такомиллаштириш ва татбиқ этиш оила ҳаётининг муҳим формасидир. Еш авлод тарбиясининг муваффақияти бирон-бир алоҳида олинган усулларга эмас, балки ўйлаб ва яхши ташкил этилган услублар тизимиға боғлиқдир. Оилада қўлланилган у еки бу усуллар ҳақида гап кетганда, шуни эсда сақлаш лозимки, агар оиланиннг ҳаёт тарзи, турмуши ва ахлоқиға монанд усуллар танланса, тарбиявий самарадорлик ошиши еки мос келмаса, аксинча бўлиши ҳаётда кўплаб кузатилган.

Оилада болаларни тарбиялаш ўзининг бир қанча миллий хусусиятларига эға. Улар халқнинг шаклланган оилавий анъаналари, урф-одатлари, халқнинг руҳияти, ҳаёти ва турмуш тарзидир.

Республикаимиз болаларға кўрсатадиган амалий таъсирини оила орқали амалга оширади. Оиланиннг болаларига кўрсатадиган таъсир доираси шунчалик каттаки, у жамият таъсири билан уйғунлашиб кетади. Шу билан бирға, биз унинг ўзига хос имкониятлари мавжудлигини инкор эта олмаймиз.

Баркамол инсон тарбиясида оила жамият билан яхлит бир бирликни ташкил этади, бу эса ҳозирги кунимиз учун хос хусусиятлардан биридир. Айниқса, ота-оналар ва

жамият аъзоларининг меҳнат фаолиятлари характери, эр ва аелнинг тенг ҳуқуқлиги, ўзаро ҳурмат, фарзандларни эъзозлаш, ҳурматлаш, ижтимоий ва фуқаролик эътиқоди, оилавий маданий ҳаётнинг мавжудлиги ва ўсаётганлиги оилаларга хос фазилат сифатида қадрланмоқда.

Болалар тарбиясига биринчи гавбатда ота ва онанинг ўзаро муносабатлари катта таъсир кўрсатади. Бизнинг жамиятимизда эр ва аелларнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланган бўлса-да, лекин биологик тенглик йўқлигини инкор эта олмаймиз. Шу сабабли оналар болалари тарбияси учун кўпроқ меҳнат қилишларини тақозо этади. Бундан ташқари, аеллар оилада эркакларга нисбатан кўпроқ вақтини уй ишларига сарфлайди. Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳатто дам олиш кунлари ҳам аеллар уй ишлари учун тўққиз соатдан ўн бир соатгача вақт ажратишади. Ишловчи аел болалар тарбияси учун жуда оз вақт ажратишга мажбур бўлади. Эрталаб, ишга жўнашдан олдин болаларини авқатлантиради, кийинтиради, ясли еки боғчага олиб боради, мактабга жўнатади. Катта ешдаги фарзандлари ўзларини эплайди. Куннинг иккинчи ярмида ишдан қайтгач, аелнинг иккинчи - уй учун бўлган иш фаолияти бошланади, яъни болаларининг уй вазифаларини бажаришларини назорат қилиш, кечки овқат тайерлаш ва ҳоказо.

Отанинг уй ишларидаги иштироки асосан буйруқ беришда кўпроқ намоён бўлади. ҒУни бажар, нима учун буни бажармадинг, ҳозир бажарҒ ва ҳоказо. Унинг вазифаси кўпроқ оиланинг иқтисодиятини ва фарзандларининг соғ-саломат ўсишларини таъминлашда ифодаланади. Чунки фарзандларининг беморлиги нафақат онанинг, балки отанинг ҳам иш фаолиятига таъсир кўрсатади. Шу сабабли фарзандлари соғлигининг яхши бўлишини таъминлаш ҳар иккиси учун бирдай масъулиятни юклайди.

Оилалар тарбия усулларини қўллаш борасида бир-бирлари тажрибаларидан фойдаланадилар. Шу нуқтаи назардан оилаларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин, яъни ҒқаттиққўлҒ, ва ҒюмшоқҒ интизомли оилалар. Биринчи гуруҳга кирувчи оилалар ўз фаолиятларида талабга асосланган услубларга, ҳатто, тан жазоси бериш орқали тарбиялашга асосланадилар. Иккинчи гуруҳга кирувчи оилалар эса ўз фаолиятлари намунасида, ишонтириш, юмшоқ интизом ширин, тўғри муомала орқали тарбиялашга асосланадилар. Агар ҒқаттиққўлликҒ интизомли оиланинг ички муносабатларида ҳукмронлик қилса, ҒюмшоқҒ интизомлиларида эса демократия, тенглик муносабатлари мавжуддир. Бироқ ҒюмшоқҒ оилалардаги бундай муносабатлар ота-оналарнинг ўз хулқлари бўйича масъулиятларини камайтирмайди. Бундай интизомли оилалар учун болаларни қўрқитиш, чўчитиш усуллари ет бўлиб, боланинг қадрини билиш, ўз-ўзини ҳурмат қилиш хислатларини тарбиялаш асосий ҳисобланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тарбиялашда жазо, қўрқитиш усулларида фойдаланган оилалардаги болалар вояга етгач, руҳий асаб фаолиятида бузилишлар содир бўлган. Муносабатда қўрқоқлик, ақлий фаолиятда орқада қолиш ҳолатлари кузатилган.

Оилавий келишмовчиликлар, ота-оналар ва болалар ўртасидаги тенгсизликка асосланган муносабатлар, айрим ота-оналарнинг маданият ва маълумотининг нисбатан паст савияда эканлиги мавжуд тарбияга оид билимларни ўзлаштиришга халақит беради. Беқарор кайфият, ҳаётий ўзгаришлар оилавий муҳитда қарама-қаршиликни вужудга келтиради. Ота-оналарнинг аниқ бир-бирини тушунмасликлари ва ўзаро келишмовчиликлари, еки боланинг енини олишлари унинг хулқида эгоизм кўринишидаги ҳолатни зоҳир этади. Оталар бундай ҳолатларда жазолашга мойиллик, оналар эса мулойимлик, ҒбаъзанҒ бетарафлик ҳолатларида бўлишади.

Оилаларни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг фаолиятларини қиесий таҳлил этиш ва баҳолаш мақсадида кўплаб оилаларда табиий кузатишлар олиб борилди, оилавий маросимларда иштирок этилди.

Олиб борилган кузатишлар натижасида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

А) Оилавий тарбия самарадорлигини ошириш омилларидан бири бола шахсини камолотга етказиш учун уни ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, оилавий тарбия

усуллари ва шаклларига ижодий ендашиш, уни такомиллаштиришдир. Ешларни ҳар томонлама ўрганиш уларни ўқишга, меҳнатга, ўз-ўзига, ўраб турган муҳитга, инсон камолоти учун зарур бўлган сифатлардан энг муҳимларини ажрата олишга ўргатиш имконини беради.

Б) Ота-оналар ўртасида тарбияга оид билимларни тарғиб қилиш, айниқса, оилавий тарбияда қийинчиликка учраётган ота-оналарга жамоатчилик ердамини кучайтириш лозим.

В) Оилавий тарбияда ижобий ютуқларни қўлга киритган ота-оналарнинг тажрибаларидан фойдаланиш учун уларни мактабнинг кенгайтирилган йиғилишларига, ота-оналар қўмиталарининг мажлисларига таклиф этиш ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашишни йўлга қўйиш ниҳоятда муҳимдир. Улардан унумли фойдаланиш учун мактабларда ота-оналар кунини жорий этиш зарур.

Г) Ота-оналар қўмиталари раҳбарларининг бевосита бошчилигида радиоалоқаларни ташкил этиш. Бунда ҒОта-оналар - илк тарбиячиҒ, ҒОта-оналарнинг бола тарбиясидаги шахсий намуналари ва уларнинг аҳамиятиҒ, ҒЕшларни меҳнатга, ҳаётга, турмушга ўргатиш ва тайерлашда оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигиҒ ва шунга ўхшаш мавзулардаги эшиттиришларни тайерлаб, изчил ўтказиш зарур.

Д) Болаларни халқ оғзаки ижодига доир қизиқишларини ўстириш мақсадида суҳбатлар, ҳикоялар, эртақ ва дostonлар ўқиб эшиттиришни йўлга қўйиш лозим.

Маълумки, ҳар қандай ота-она ўз боласига тиканни раво кўрмайди, турли қийинчиликлар, хавф-хатарларнинг олдини олишга интилади. Ота ўз фарзандларида мақсадга интилувчанлик, ботирлик, жавобгарлик каби сифатларни шакллантириш билан ажралиб туради. Бундай сифатлар ўғил-қизлигидан қатъи назар инсон эгаллаши лозим бўлган сифатлар ҳисобланадики, уларсиз тўлақонли инсон шахси камол топмайди. Бунинг исботини яна шунда кўриш мумкинки, она қўлида отасиз вояга етган ўғил болада эркакларга хос раҳбарлик фазилатига муҳтожлик кучли бўлади, айниқса, у етуқлик ешига етганида бу эҳтиёж яна ҳам кучаяди.

Отага бўлган муҳаббат-бу биринчи навбатда унга бўлган ҳурматда ўз ифодасини топади. Отанинг обрўси унинг ўзига хос шахсиятида намоён бўлади. ҒМенга ўхшаб бажарҒ, ҒМен қандай ишласам сен ҳам шундай ишлаҒ каби қоидаларга амал қилинади. Назаримизда ўғил бола хулқининг ўзига хослиги ҳам ана шундай хатти-ҳаракатларда ўз ифодасини топади. Шунингдек, ота ҳғлини ўз фикрини мулойим ифодалай олишга, мунозарали воқеада ўз фикрини қатъий ҳимоя қилишга, қизиққонлик, ўзлигини, қадрини йўқотмасликка ўргатади. Шунинг учун ҳам отанинг ўрни ўғил болани кучли шахс сифатида шакллантиришда ниҳоятда каттадир. Бу сифатларни эса ота ўзининг шахсий намунасида-ўғлига, онага, аелга, хотин-қизларга бўлган муносабатларида қарор топтириб боради.

Ота-оналарнинг обрўси ва шахсий намуналари тарбия самарадорлигини оширувчи омилдир.

Болалар маънавий дунесининг ўзига хос хусусиятларидан бири катталарни обрўли сиймо, намуна деб билишлари, маслаҳат олишлари, тақлид қилишлари ва лозим бўлган пайтда ҳар қандай ердамни олишларига ишонч ҳосил қилишларидир.

Ҳеч қандай нарса болаларга намуна кучидек таъсир кўрсата олмайди. Намуна тақлид учун асосий манба ролини ўйнайди. Шахсий намуна эса тарбия олиш сифатида ўсиб келаётган еш авлоднинг онги ва хулқига таъсир кўрсатувчи катта ешдаги кишиларнинг хатти-ҳаракатлари ва бошқа фаолиятлари йиғиндисидир. Катталарнинг намуна сифатидаги тарбиявий таъсири шунинг учун ҳам муҳимки, улар айнан болалар ва ўсмирларнинг тақлиди учун жонли манбадир. Болалар руҳиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири кўпинча ўзи сезмаган ҳолда ўз олдига намуна олса арзийдиган, тақлид қилишга лойиқ бирон-бир ижобий шахс бўлишини жуда хоҳлайди.

Атрофимизни ўраб турган номаълум нарса ва ҳодисалар, ранг-баранг олам билан танишишда бола катталарнинг ердамига табиий эҳтиёж сезади. Етарли даражада билим

ва тажриба йўқлиги сабабли улар катталарнинг муомала ва хатти-ҳаракатларига тақлид қила бошлайди. Ешлари улғая бориши билан катталарга тақлид қилиш ҳам ўзгариб, маъно касб эта боради.

Оилавий тарбияда отанинг роли ниҳоятда улкан. Чунки оилада эр ҳамма вақт болаларининг, турмуш ўртоғининг доимий таянчи бўлиб келган. Шу сабабли оиладаги ўғил доимо отасига ўхшашга интилган, унинг хатти-ҳаракатига тақлид қилган. Халқимизнинг доно маслаҳатларида ўғил тарбиясида отанинг роли улуғланиб келган. Ота-она намунаси болалар учун кўргазмали ҳаёт дарсидир. Отанинг онага, она меҳнатига, жамиятга, жамият аъзоларига бўлган муносабати бола қалбида яхшилик еки емонлик, маъқул еки номаъқул ишлар ҳақидаги дастлабки тушунчаларни вужудга келтиради. Мақсадсиз, тарбия натижаларини ҳисобга олмасдан қилинган ота-оналар меҳнати барибир самарасизлик билан тугайди. Оғзаки сўзлар эмас, балки онгли, ўйлаб қилинган ишлар бола онги ва қалбига бориб етади.

Бола одатда, кўп вақтини оиласи даврасида ўтказади ва катталарнинг қилиқлари, ўзига хос хусусиятларини осонлик билан қабул қилади. Бу қилиқ ва хатти-ҳаракатларни ўз фаолиятларида такрорлайди. Сўралган пайтда ҒДадам шундай қиладиларҒ, ҒОнам шундай дегенларҒ, ҒБувим шундай ўргатганларҒ ва ҳоказо деган жавобларни эшитиш мумкин.

Оила муҳити-бу қандайдир алоҳида узиб олинган тарбия воситаси эмас, балки ота-оналарнинг ва катта ешдаги кишиларнинг ҳар тарафлама олиб борган тарбиявий иш натижалари, оила аъзоларининг ўзаро юксак ахлоқий муносабатларининг йиғиндиси ва катталарнинг ижобий таъсир кўрсатиш намунаси натижасидир.

Болаларга ота-оналарнинг хатти-ҳаракатларигина эмас, балки оғзаки нутқи, савол-жавоблари ҳам таъсир қилади. Ота-она ўзаро жанжаллашиб турсалар, қўшнилари билан чиқиша олмасалар, бир-бирларидан бўлар-бўлмас нарсаларни талаб қилсалар, бундай тарбия яхши натижа бермайди, аксинча боланинг ота-оналарига бўлган ишончини йўқотади. Сўз қудратли кучга эга. ҒЮмшоқ, меҳрибонлик билан айтилган сўз шундай қудратли кучки, унинг билан ҳеч қандай жазо тенглаша олмайдиҒ дейилган.

Оиладаги тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат, келишувчилик кабилар ота-оналар билан болалар ўртасида руҳий муҳитни қарор топтиради, уларнинг камолотига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзаро келишув, отанинг болаларга ва онага меҳр-муҳаббати юксак ахлоқий инсоний муносабатлари намунаси бўлиб, улар бола қалбини ларзага келтиради, яхши ҳис-туйғулар билан тўлдиради, атрофни ўраб турган воқеликка самимий муносабат тарбиялайди. Оилавий тарбия ота-оналарнинг ўз фарзандларига меҳр-муҳаббатда бўлишларига ва болаларининг ота-оналарини чуқур севишларига асосланганлиги учун ҳам кўпроқ аҳамият касб этади ва бошқа тарбиялардан фарқ қилади.

Ҳозирги замон педагогикаси ота-оналарга ва барча тарбиячиларга раҳбатлантириш еки жазолаш шакллари танлашда қабул қилинган қарорнинг қанчалик тўғрилигини мантиқан ўйлаб кўриш, ўзига хос йўл эканлигига ишонч ҳосил қилиш ва фақат ахлоқий, маънавий жазолаш лозимлигини маслаҳат беради.

Турли оилаларда ота-оналарнинг болаларига кўрсатадиган тарбиявий таъсирлари савиясини аниқлашда қуйидагиларни назарда тутиб кузатиш ишларини олиб боришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

А) Боланинг исми, фамилияси, отасининг исми, туғилган йили, оилада болалар сони, ўғил ва қизларнинг сони, нечанчи фарзанд эканлиги, қанча вақтини оилада еки оиладан ташқарида ўтказади.

Б) Ота-оналарнинг еки оиладаги тарбиячиларнинг исми, фамилияси, уларнинг иш жойлари, касб-ҳунарлари, оиланинг моддий таъминоти, уй шароити, ота-оналарнинг ва бошқа оила аъзоларининг маълумотлари, уларнинг ўзаол муносабатлари.

В) Оила аъзоларидан ким болалар тарбияси билан кўпроқ шуғулланади, тартибга болалар қай даражада риоя қилишади, уларнинг оилада ва жамоатчилик жойларидаги хулқи қандай, катталарга қандай муомала қилишади.

Обрў қозониш жуда мураккаб масаладир, бунинг учун энг биринчи навбатда тўғрилиқ, ҳалоллик бўлиши лозим. Бола катталарнинг сўзлари, хатти-ҳаракатлари, яъни бераётган ваъда, юракдан қилинаётган муомалаларига еки дўқ-пўписаларидан қатъи назар уларга ишиниши лозим. Ота-оналарга турли туман ваъдалар беришда жуда ҳам эҳтиёт бўлиш тавсия этилади. Берилган ваъда бажарилмай қолса, уни тўғри ва далиллар билан асослаш лозим. Агар болага уй ишларини бажаргани, яхши одатларни намойиш этгани, ота-оналарнинг топшириқларини ўз вақтида бажарганлиги ва ҳоказолар учун дам олиш куни кино еки театрға олиб боришга ваъда берилган бўлса, ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан ваъданинг устидан чиқиш лозим.

Кейинги йилларда, мактаб маъмурияти, ўқитувчилар, тарбиячилар оилавий тарбияга, ота-оналарнинг тарбия борасидаги обрўларининг ошишига, ҳурматга сазовор ота-оналарнинг ҳаётий йўллари, оилавий тарбиядаги тажрибаларини тарғиб қилишда, шу асосда болаларда оила қадри ва ғурурини юқорига кўтариш хислатларини уйғотишда барча имкониятлардан унумли фойдаланмоқдалар.

Оилавий ижобий анъаналарни бажариш жараенида катта ешдаги кишиларнинг намунаси ешларни ўйлашга, фикрлашга, ижтимоий ҳаётни тушунишга мажбур этади. Чунки анъаналар маънавий омиллар сифатида болага ҳаётнинг у еки бу жабҳасида қандай яхлит тадбир қўллаш, ўзининг еки бошқаларнинг хулқий муаммосини баҳолашга ердამ беради.

Катта авлод вакиллариинг оилада бўлишлари фақат болалар камолотига ғамхўрлик билан чекланмай, балки уларнинг тарбиясига ҳам таъсир этади. Бундай ердამ омиллари ичида ота-оналар ва катта ешдаги кишиларнинг оила мустаҳкамлиги ва қон-қариндошлиқ ҳиссиётларининг узвий бирлиги асосий роль ўйнайди. Натижада оилавий тарбияда болаларда шакллантириш лозим бўлган умумий ижобий камолот, характер, қатъиятлик, изчиллик каби ижобий сифатлар фақат ота-оналар томонидангина эмас, балки катта авлод вакиллари, ҳатто, қариндош-уруғлар томонидан ҳам назорат қилинади.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, оиланинг катта авлод вакиллари билан бирга еки алоҳида, ажратилган ҳолда яшашига қараб тарбиявий таъсир даражалари ҳам бири-биридан фарқланади. Катта авлод вакиллари иштирокидаги оилаларда болаларга кўрсатиладиган тарбиявий таъсир изчил, бир бутунликда ташкил топади. Ўзаро муносабатлар ҳам оиладаги аъзолар учун умумий бир бутунлик асосида бўлади. Катта ешдаги кишиларнинг тажрибаси тарбия омили ролини ўйнайди. Уларнинг ота-онаси, боб ва бувиси, яқин ва узоқ қариндошларининг намунаси болалар учун тарбия воситаси хизматини ўтайди.

Катта авлод вакиллари бўлмаган, ажралган еки алоҳида яшовчи оилаларда болаларга кўрсатиладиган тарбиявий таъсир йўллари қисман фарқланади. Чунки биринчидан, ота еки онаси йўқлиги, иккинчидан, боб еки бувисининг йўқлиги болаларнинг руҳий камолотига албатта, у еки бу даражада салбий таъсир кўрсатади. Бу масала ҳозирги кунда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки ота-оналарнинг ажралиши кўпайиб бормоқда.

Қишлоқ жойларда ота-оналарнинг барча меҳнат фаолиятлари болалари кўз онгида содир бўлади. Шу сабабли улар болалари тарбиясига ҳақиқий ҳалол меҳнатлари орқали таъсир кўрсатадилар. Уларни шаҳар оилалари тарбиясидан тўғридан-тўғри ажратиб турадиган устунликлари ҳам мана шундандир. Шаҳар оилалари тарбиясида бу масала кўпроқ ота-оналарнинг, катта ешдаги кишиларнинг суҳбати ва ҳикоялари, саехат ва ўқиган китоблари асосида амалга оширилади. Тўғри, ота-оналар ўзларининг завод ва фабрикадаги жонли меҳнатлари ҳақида, қўлга киритган ютуқлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб беришлари мумкин. Айниқса, ота-оналарнинг болаларини ўзлари ишлаб

турган жамоалари ҳаёти билан таништириш мақсадида завод, фабрикаларга уюштирган экскурсиялари болалари қалбида бир умр эсда сақланиб қолади. Бундай яхши ташаббус, иш шаклларининг кенгайиб, қулоқ ейиши ота-оналар ва болалар меҳнатининг уйғунлашувига олиб келади.

Тарбия жараёнида ота-оналар ва уқитувчиларнинг болаларни ижтимоий фойдали ишларга тортиш борасидаги масъулияти ниҳоятда муҳимдир. Лекин, оз бўлса-да шундай ота-оналар ҳам борки, улар болаларининг мактабда металл омийиш, гул ва дарахт кўчатлари ўтказишларини рағбатлантирмайдилар, қувватламайдилар. Уларнинг фикрича, бундай ғайдақ ишлар болаларининг оиладаги, майдончадаги шахсий ишларига ҳалал берар эмиш. Айрим ота-оналар эса болаларига касблар ҳақида ногўри тушунча беришади. Уларнинг фикрича, касблар ичида маъқуллари, шунингдек, оилалари шаънига мос келмайдиган касблар борлигини таъкидлашади. Болалари томонидан ота-оналарининг билим, обрўларига мос келмайдиган касбнинг танланиши уларнинг ғурурига, иззат-нафсига тегади ва ҳоказо.

Болани фақат у билан гаплашганда, насиҳат қилганда еки унга бирор нарса буюргандагина тарбиялайман, деб ўйламанг. Сиз болани турмушингизнинг ҳар бир оқида, ҳаттоки ўзингиз уйда йўқлигингизда ҳам тарбиялайсиз. Сизнинг қандай кийинишингиз, бошқалар билан ва бошқалар ҳақида қандай гаплашишингиз, хурсанд бўлишингиз еки ташвишланишингиз, дўст ва душманингиз билан қандай муомала қилишингиз, қилишингиз, газета ўқишингиз - булар ҳаммаси бола учун катта аҳамиятга эга. Гапингиз оқанги сал ўзгарса ҳам, бола буни дарров пайқаб олади еки сезади, бола фикрингиздаги ҳамма ўзгаришларни ҳар хил йўллар билан билиб олади, лекин ўзингиз бундан беҳабар бўласиз. Агар сиз уйда қўполлик еки мактанчоқлик қилсангиз еки ичкилик ичсангиз, ундан ҳам емони онани ҳақорат қилсангиз - сиз болаларингизга ниҳоятда катта зарар етказган бўласиз, уларга емон тарбия берган бўласиз ва сизнинг бу ноғўя қиликларингизнинг оқибати жуда емон бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳаётда кўплаб намунали ва обрўли ота-оналаримиз кўп. Агар ота-она ҳалол меҳнат билан машғул бўлса, бола уларни ҳурмат қилишга мажбурдир. Баъзан эса, ишда жуда яхши мутахассис бўлган ота-оналар болаларига намуна бўла олмайдилар. Натижада ўзлари билмаган ҳолда оилаларида ишеқмас, кўча безори, эркатойлар камол топади.

Бизнинг назаримизда болалари билан дўст, уларга диққат-эътибор билан қарайдиган, қайғуларига ҳамдард, хурсандчиликларини баҳам кўрувчи, талабларида сабрли, болаларига доимо маънавий кўмаклашувчи ота-оналарига ҳақиқий маънода намуна бўла оладилар. Уларнинг обрўси ҳалол меҳнатлари билан дўстона муносабатлари, керак бўлса, ҳатто айблари учун кечирим сўрашлари билан мустаҳкамланади.

Оила педагогикасининг назарий, миллий ва илмий асослари.

Режа

1. Оила жамиятнинг асосий булими эканлиги.
2. Халқ аўизаки ижоди, ҳадислар.
3. Буюк алломаларнинг талим-тарбия ҳақидаги фикирлари.
4. И. Каримов асарларидан келиб чиқиб, мустиқил Ўзбекистонда оиланинг миллий хусусияти.

Адабиетлар.

1. И.Каримов. Баркомол авлод -Ўзбекистон тараққиятининг пойдевори. Т-1997й.
2. И.Каримов. Озод ва обод Ватан,эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз.Т-2000й.
3. А.К.Мунавваров.Педагогика.Т-1996й.
4. А.К.Мунавваров.Оила педагогикаси.Т-1994й.
5. В.Н.Дружина. Социальная психология.С-Пб. 2002й.
6. О.Тўраева «Ойлавий ҳаёт этикаси ва психологияси»Т-1998й.
7. З.Б.Қодиров. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари. Т-2001.
8. М.Курамов. Оила – миллий тарбия ўчоғи. Халқ таълими .журнал. Т-1999
9. О.Хасанбоева. Педагогика тарихидан хрестоматия. Т-1993.
10. У.Отавалиева. Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги. Т-1998.

Инсон омилини ҳар томонлама камол топтириш, ўзаро ердам, ўртоқлик муносабатларини янада яхшилаш, шахсий оилавий ва ижтимоий ҳаётда оддийлик ва ҳалоллик, ҳушмуомалалик ва ростгўйлик каби маънавий-ахлоқий инсонларга хос бўлган сифатларни янада такомиллаштириш асосида жумҳуриятимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиятини жадаллаштириш давримизнинг энг муҳим истиқболли режаларидан 9исобланади.

Кишилиқ жамияти тараққияти тарихидан маълумки, бола шахсининг камолоти оилада шаклланади.

Оила жамият ҳаётини олға сурувчи, уни янада юксак босқичларга кўтариб раванг топтирувчи, келажак авлодларни тарбиялаб етиштирувчи, камол топтириш учун масъул бўлган гоят муҳим ўчоғдир.

Жамиятимиз тараққияти ўзининг ривожланиш қонуниятларига асосланган ҳолда шахс етуқлигини тахминловчи ва тарбия самарадорлигини оширувчи омилларни вужудга келтириш талабини қўймоқда. Шу билан бирга жумҳуриятимиз тараққияти билан оила, унинг барча ҳаётий босқичлари жиддий ўзгаришларга учраётганлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Бизнинг янги оила вужудга келтириш борасидаги муваффақиятларимиз шак-шубҳасиздир. Оила эркаклар ва аёлларнинг тўла тенг ҳуқуқлиги, оила учун баб-баравар жавобгарлиги асосида қурилади. Бироқ, янги оилани вужудга келтириш оддий иш эмас. Бу мураккаб жараён бўлиб, унинг ўз муаммолари мавжуд. Мустақил оила - унинг энг муҳим негизларидан биридир.

Республикамиз моддий-техника базасининг ривожланиши ўз навбатида оиланинг моддий ва маънавий камолотига, бу эса, ўз навбатида оиладаги болалар тарбиясига у еки бу даражада таъсир кўрсатади. Меҳнаткашларнинг турмуш шароитларининг муттасил яхшиланишига, фаровонлашишига олиб келади.

Оиладаги даромадларнинг ошиши, бир томондан, ота-оналарнинг билим савиялари ва маданий ҳаётларининг яхшиланишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, оила аъзоларининг юқори маънавий эҳтиёжларининг ижобий шаклланишига, оилавий муносабатларнинг такомиллашувига, бойишига, катталар ва кичиклар орасидаги мулоқот мазмунига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабдан бўлса керак, республикаимизнинг, жамоатчиликнинг диққат-эътибори оилаларни мустаҳкамлаш, янги оилаларнинг қарор топиши ва шаклланишига қаратилмоқда. Чунки ешларни оилавий ҳаётга тайерлаш давр талабига айланиб бормоқда.

Оила ва оилавий тарбия муаммолари ичида ота-оналарнинг тарбиячилик маданиятини ошириш ва уларга умумий тарбияга оид билим бериш давримизнинг долзарб масалаларидан биридир. Оилаларни педагогика ютуқлари билан таништириш уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш воситаларидан биридир. Иккинчи томондан эса, бу ўз навбатида, болаларнинг тарбиясида тегишли шакл ва услубларни такомиллаштириш йўлларида биридир. Шунинг учун ҳам ота-оналарни, оилаларни тарбияга оид билимлар билан, тарбия услублари билан қуроллантириш ниҳоятда зарур.

Тарбияга оид билим бериш муаммоси фақат ота-оналарнинг иши бўлиб қолмасдан, балки барча меҳнаткашлар оммасининг иши, кенг маънода давлат аҳамиятига молик ишдир. Республикамиз қарорларида таъкидланганидек, барча ташкилотлар, меҳнат жамоалари, умуман жамият ахлоқий соғлом, маънавий бой, мустақкам оилани вужудга келтириш тўғрисида, оналар ҳақидаги, мамлакатнинг келажаги бўлган ешлар ҳақидаги ғамхўрликни кучайтириши зарур. Ота-оналарнинг болалар тарбияси ҳақидаги, уларни турмушга ва меҳнатга тайерлаш тўғрисидаги масъулиятини ошириш зарур.

Ҳап шундаки, жамиятимиздаги ҳар бир тўлақонли шахс болаларнинг тарбиячиси бўлиши, янги инсонни ҳар томонлама камол топтирувчи барча ҳолатларда, шарт-шароитларда иштирок этиши лозим. Ҳар бир йигит-қиз бўлажак ота-оналардир. Шу сабабли жамиятимиз уларнинг қандай оила қуришларига бефарқ қараб туролмайди. Республикамиз болаларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш вазифаларини, оилаларнинг мустақкамлиги учун қўйилаётган талаблар меҳнаткашларнинг тарбиявий маълумотини ошириш заруриятини кўтариб чиқмоқда. Бу масала ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Атоқли педагоглар тарбияни мақсадга мувофиқ ташкил этиш шароитларидан бири ота-оналарнинг тарбиявий саводхонлигида, деб ҳисоблаган эдилар. Ота-оналарни тарбияга оид ва психологик билимлар билан қуроллантирмасдан туриб оилада тарбия жараенини тўғри ташкил этиш мумкин эмас. Демак, оила ҳаётини тарбиявий жихатдан тўғри ташкил қилиш учун ўқитувчилар, кенг жамоатчилик педагогика фани орқали аҳолига ердам бериш, ота-оналарга тарбиявий билим бериш тизимини ишлаб чиқишлари лозим.

Педагог-олимлар тадқиқотларида исботланганидек, оилавий тарбияга доир ишлар қуйидаги шароитларда бажарилса, унинг самарадорлиги янада ошади.

1. Мактаб ўзининг барча таъсирлари мажмуини оилавий тарбия жараенига изчил йўналтира олса,
2. Ўқитувчилар жамоаси оила билан ўзаро ҳамкорлиги даврида ўзларининг этик-педагогик тарбиявий талабларини тўғри ташкил эта олсалар,
3. Халқ маорифи бўлими ва муассасалар ташкилотчи ота-оналарни тарбиявий жараенга торта олсалар,
4. Ўқитувчилар томонидан оилавий тарбияга раҳбарлик болалар мактабга келмасдан олдин бошланса ва бу иш уларнинг барча ўқув йилларида давом эттирилса.

Бу масалаларни ижобий ҳал қилишда шаҳар, ноҳия ижроия қўмиталари ва халқ таълими бўлимларининг тарбиявий имкониятлари кенгаётган пайтдаги таъсири ҳозирги кун нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этмоқда. Демак, мамлакатимизда умумий таълимни сифат жиҳатидан тубдан янгилаш асосида ешларни ҳар томонлама камол топтириш учун аҳолига тарбиявий билим беришни ҳар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Оиланинг ижтимоий куч-қуввати унинг тарбия бериш имкониятларида, ижтимоий фаол инсонни тарбиялаш қобилиятларида эканлигини деярли ҳаммамиз биламиз. Лекин била туриб ҳамма вақт ҳам бу имкониятлардан фойдалана олмаймиз еки тарбия беришда ўзимиз сезмаган ҳолда хатоларга йўл қўямиз.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ота-оналарга тарбияга оид умумий таълим беришда ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўп. Шу сабабли уларни бир йўла йўқотиб бўлмайди. Тарбиявий умумий таълимнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ва, асосан, барча меҳнаткашлар оммасининг бир мақсад асосида бирлашишларига, бу борада халқ таълими муассасаларига, ўқитувчилар жамоаларининг етакчилик қилишларига ҳамда ташкилотчиларга боғлиқ. Амалда нима бўлмоқда. Амалда эса бу масалалар билан фақат халқ таълими органлари ва ўқув юртлари шуғулланмоқдалар. Маданият, соғлиқни сақлаш, адлия, педагогика жамияти ходимлари, завод, фабрика, жамоа хўжалиги ишчи ва хизматчилари бу ишга деярли жалб қилинмаган. Тарбиявий умумий

таълим тизимига ҳали барча тарбияси қийин ўсмирларнинг ота-оналари жалб этилмаган ва ҳоказо.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, умумий ўрта таълим савиясининг пастлиги паст малакали шахсларнинг вужудга келишига, бу эса ўз навбатида моддий таъминотнинг емонлашишига, оила маънавий дунесининг ғариблашишига, маданий бойликлардан маълум даражада бебаҳра қолинишига, шунингдек, уларни ўзлаштириш қийинчиликларини юзага чиқаради. Шуларга асосланиб, болаларнинг таълим ва тарбия тараққиети савияси кўп омилларга:

А) ота-оналарнинг саводхонлигига;

Б) болалари учун хоналарнинг таъминланиш шароитларига;

В) оиладаги болалар сонига;

Г) оилада ота еки онанинг борлигига еки бирортасининг йўқлигига;

Д) ота-оналарнинг маълумоти, касбига;

Е) оиланинг моддий таъминланиши ва ҳоказоларга боғлиқ деб айта оламиз.

Ҳозирги кунда республикамизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида тарбияга оид билимларни тарғиб қилишда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

Аҳоли учун очилган тарбия маданиятини тарғиб қилувчи халқ дорилфунунларидан; халқ маорифи томонидан ясли, боғча ва мактабларда очилган ота-оналар дорилфунунларидан; жамоатчилик асосида ишловчи олий ўқув юртлари қошида очилган ота-оналар куллитидан; тарбиявий ҳуқуқий билимлар мактабларидан, мактаб ешидаги болаларнинг ота-оналари учун тарбиявий ва медицина маслаҳатхоналардан, педагогика ва болалар руҳиятига доир масалаларни ўрганувчи тўғараклар ва бошқалардан.

Бу ва шунга ўхшаш илмий-ташкилий ишларни илмий жамиятлар, руҳшунослар жамияти, мактаб ота-оналар кўмитаси, оилага ердам берувчи кенгашла, газета, журнал таҳририятлари ва оинаи-жаҳон кўрсатувлари олиб боради.

Агар ота-оналарга умумий тарбиявий билим беришда олимларнинг тавсиялари, оилавий тарбияга доир халқ педагогикаси тажрибалари, шаҳар, ноҳия, қишлоқ, меҳнат жамоалари, шунингдек меҳнат ва уруш фахрийларининг маслаҳатлари, тавсияларига таянилса, сўзсиз бу ишнинг самарадорлиги ошади.

Оиладаги тарбиявий шароитни яхшилаш ешлар тарбияси самарадорлигини оширишга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Албатта, бунда оиланинг руҳий муҳити, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари асосий ва ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мактаб, синф, ўртоқлари ва барча мулоқот манбаларига нисбатан оилада аниқ тарбиявий омилларга амал қилинса, назорат остига олинса, тарбия тўғри йўлга қўйилган бўлади.

Ота-оналарнинг болалар тарбиясига доир ўз билимларини доимо ошириб боришлари, тарбияда талабчанлик, ота-она ва катта ешдаги кишиларнинг ўзаро аҳиллиги, кичикларга ғамхўрлик оилавий тарбия асосини ташкил этади. Бусиз оилавий тарбияда муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

Иккинчи томондан, ҳар бир оилада бола тарбияси юзасидан аниқ бир мақсад бўлиши керак. Энг муҳими, еш авлод тарбиясига ота-она еки ака-ука, опа-сингил сифатидагина эмас, балки жамиятнинг ҳақиқий фуқораси сифатида ҳам эътибор бериш, ешларни мазмунли келажагимизга ишонч ва садоқат руҳида тарбиялаш зарур.

Бола ҳаёт ҳақида, яхшилик еки емонлик фойдали еки зарарли тушунчаларни биринчи навбатда оилада ота-онаси, ака-укаси еки опа-сингилларидан олади. Агар боғча, мактабларда тарбиячи, ўқитувчи болаларга таълим берса, тарбияласа, ота-оналар фақат тарбиялаб қолмай, балки улар билан бирга яшайдилар ҳам. Бинобарин, улар болаларга таъсир кўрсатишнинг кўп имкониятларига эгадир. Ҳамма гап шундаки, оилавий тарбиянинг самарадорлиги болаларнинг тарбияси учунгина сарфланган вақт билан ўлчанмай, балки оиланинг ижтимоий ҳаёт босқичи билан, ота-оналарнинг обрўси ва уларнинг ахлоқи билан аниқланади. Бунда ота-оналарнинг, катта ешдаги кишиларнинг бола тарбияси юзасидан бурч масъулиятини чуқур ҳис қилишлари етакчи

мезондир. Аниқроқ қилиб айтганда, оила даврасида катталарнинг, хусусан, ота-оналарнинг ижобий муносабатлари болаларни тўғри тарбиялашнинг бирламчи ва зарурий шартидир.

Баён этилган фикр ва мулоҳазалар ота-оналарга тарбияга оид билим бериш юзасидан қуйидаги умумий ҳулосаларни чиқариш имконини беради.

Республикаимиз мустақилликка эришгач, оилавий тарбия самарадорлигини ошириш, аҳолининг умумий маданий савиясини ошириш маълум даражада ота-оналар ва катта ешдаги кишиларнинг саводхонлигига боғлиқ. Сўзсиз бу масалани ижобий ҳал этишда таълим-тарбия юзасидан тарғибот ишларини олиб боровчи ва бу борада тарбиявий марказ ролини ўйновчи ўрта умумий таълим мактабларининг роли бекиесдир.

Ота-оналарни таълим-тарбия ва ўқув фанлари мазмуни билан таништириш мактабнинг муқаддас бурчидир. Бу вазифаларни фақатгина амалий ишда, ўқитувчиларнинг амалий фаолиятларидагина рўёбга чиқариш лозим. Ота-оналарни тарбиявий маорифга жалб қилишда сўз билан иш бирлиги амалда таъминланган бўлиши шарт.

Мактабнинг том маънода тарбия марказ ролини ўйнаши учун ўқитувчи ва ота-оналарнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг амалий фаолиятлари бир-бирлари билан ҳамбарчас боғланган бўлиши шарт. Бу борада мактабнинг энг муҳим вазифаси ота-оналарга тарбия ишида ва болаларнинг меҳнати ва дам олишини кўнгилдагидек уюштиришда амалий ердан беришдир.

Аҳоли ва ота-оналар ўртасида ижтимоий тарбиявий муҳитни соғломлаштириш борасидаги ишларни жонлантириш, такомиллаштириш оила ва мактаб алоқасини мустаҳкамловчи омилдир. Тарбиявий маданиятнинг самарадорлигини оширишда мактабларда ўтказиладиган ота-оналар мажлиси муҳим аҳамият касб этади. Мақсадга мувофиқ, мазмунли ташкил этилган синф мажлисларида тарбияга оид мунозаралар бўлади, ўзаро еки жамоа таъсир кўрсатишнинг йўл ва усуллари меҳнатсеварлик, виждонли бўлиш, мустақиллик, яхшиликка меҳр-муҳаббат, дўстлик ҳақида фикр юритилади.

Мактабнинг ота-оналар жамоатчилиги билан алоқа қилишида ўқитувчи ва тарбиячиларга яқиндан ердан берувчи бўғин мактаб ота-оналар кўмитасидир. Мазкур кўмита қабул қилинган умумий қоидалар асосида ота-оналар жамоатчилигини мактаб ҳаётига, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларга жалб қилиши лозим. Ота-оналар кўмитаси мактабни оталиққа олган ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликлари ва бошқа ижтимоий муассасалар билан тарбиявий ишлар юзасидан алоқа қилиш ҳуқуқига эга.

Болаларни тарбиялаш ота-оналарнинг муқаддас бурчидир. Ахлоқан пок, маънавий дунеси бой оила деганда, биз катта ва кичикларнинг ўзаро ҳурмати, бир-бирларига ердами, бир-бирларига иззат ва ҳурмати тушунилади. Халқимизда емонликка қарши кураш бўлмаган жойда яхшилик туғилмайди, деган маъноли гап бор. Бу гап ешлар тарбиясига ҳам тааллуқлидир. Айрим ешларда кўринадиган ахлоқий нуқсонларни йўқотиш уларда маънавий гўзаллик ҳосил қилиш учун қунт ва қатъият билан курашмоқ лозим. Бу муҳим вазифани бажариш фақат мактаб ва оиланинг бурчи бўлибгина қолмай, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам асосий вазифаси бўлмоғи керак.

Оилада ота-онанинг тарбиявий санъати.

Режа

- 1.Тарбия санъаты ҳақида тушунча.
- 2.»Оила кодекси» коидаларига бойсиниш.
- 3.Ота-онанинг ва фарзандларининг оиладаги фориизи
- 4.Оилада уғил бола ва қиз бола тарбияси ҳақида.

Адабиетлар.

- 1.И.Каримов. Баркомол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т-1997й.
- 2.И.Каримов. Озод ва обод Ватан,эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз.Т-2000й.
- 3.А.К.Мунавваров.Педагогика.Т-1996й.
- 4.А.К.Мунавваров.Оила педагогикаси.Т-1994й.
- 5.В.Н.Дружина. Социальная психология.С-Пб. 2002й.
6. О.Тўраева «Ойлавий ҳаёт этикаси ва психологияси»Т-1998й.
- 7.З.Б.Қодиров. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари. Т-2001.
- 8.М.Қурамов. Оила – миллий тарбия ўчоғи. Халқ таълими .журнал. Т-1999
- 9.О.Хасанбоева. Педагогика тарихидан хрестоматия. Т-1993.
- 10.У.Отавалиева. Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги. Т-1998.

Мамлакатимизда болалар тўғрисида, оналар ҳақида ғамхўрлик қилиш чинакам давлат аҳамиятига молик ишдир. ҒЖамики яхши нарсалар - болаларгаҒ шиори янада баралла жарангламоқда. Кейинги йилларда мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорлар фикримизнинг исботидир.

Маълумки, бола мактабга келгунга қадар ҳам, мактабда ўқиш даврида ҳам, асосан оилада тарбияланади. Оила давлатнинг асосий куртаги сифатида болаларнинг дунёқараши, ҳулки ва дидига таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Оила аъзоларининг маънавий бирлиги ешларни ҳар томонлама камол топтиришнинг дастлабки ва асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Болаларни баркамол инсон қилиб етиштиришда мактабни оила билан мустаҳкам боғламай туриб, тарбия соҳасидаги бутун ишларни муваффақиятли амалга ошириш бўлмайди. Шу мақсадда ота-оналар ўртасида таълим-тарбияга оид ташвиқот ишларини кенгайтириш уларни мактабнинг фаол ердамчиларига, ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқаридаги ишларида ҳар томонлама фойдали ташкилотчиларига айлантириш зарур.

Жамиятнинг жадал ривожланиши, фаолият турларининг тобора мураккаблашиб бориши шахс онгига кўрсатаётган кўринмас таъсирларнинг кучайишига олиб келмоқда. Мана шундай шароитда кишининг мавжуд билими, касб-ҳунари, малакалари камлик қилиб қолмоқда. Энг аввало, инсонларда оилада таркиб топган дид, фаросат, ақл, одоб, эмоционал маданиятга муҳтожлик сезилмоқда. Эстетик, ахлоқий ва бошқа тарбия сифатлари кундалик ҳаёт эҳтиёжга айланиб бормоқда. Табиийки, бундай сифатларга оилавий тарбия орқали асос солинади, камол топтирилади. Тўғр, бунда ижтимоий тарбиянинг ўрнини инкор этиб бўлмайди. Ана шу нуқтаи назардан уларнинг бирлигига, ўзаро ҳамкорликларига асослансак, баркамол инсон тарбиясида муваффақиятларга эришиш мумкин. Оилавий тарбия педагогика фанида мураккаб муаммолардан биридир. Унинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир оила ўзига хос ибтидоий гуруҳ бўлиб, тарбияда фақат мазкур гуруҳга хос хусусиятларга асосланади.

Таъкидлаганимиздек, оилавий тарбияни ижтимоий тарбия билан алмаштириш болалар камолотига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, ясли, боғчаларга бормай, фақат оилада ўсган ва вояга етган болалар мактабга борганларида ўз тенгқурлари ичида кўп жиҳатлари билан ажралиб туради. Оиланинг болаларга моддий ва маънавий

ғамхўрлигини, кўрсатаётган тарбиясини ясли, боғча тарбияси билан еки, аксинча, ясли боғча тарбиясини оилавий тарбия билан алмаштириб бўлмайди. Фақат ўзаро ҳамкорлик масалани ижобий ҳал этиш имкониятини беради.

Лекин ўзининг хусусиятлари ва такрорланмас таъсири билан оила бола тарбиясида муҳим омилигича қолади. Амалиётда кузатганимиздек, болада ота-онасининг меҳри, эркалашлари асосида ота-оналарига, қариндош-уруғларига бўлган ҳиссиётлари шаклланади. Боланинг отасига бўлган ҳурмати онанинг ҳурматини жойига қўйишда асос бўлади. Онага бўлган меҳр-муҳаббат оқибат натижада ўз оиласига, хотини, фарзандларига бўлган муносабатларда ўз аксини топади.

Иккинчи томондан болалар ҳам ўз ота-оналарига таъсир кўрсатадилар. Оилавий алоқаларни оилавий қизиқиш, маънавий қониқиш ҳислатларини такомиллашига сабаб бўладилар.

Ота-оналарнинг ўзига ва болаларига бўлган талабчанлиги, катта ва кичикларнинг ўзаро муносабатлари, дўстона муҳит, ишонч ва ўзаро бир-бирларини тушуниш оила, мактаб ва жамоатчиликнинг болалар тарбияси юзасидан олиб бориладиган муҳим омилларидан биридир. Бундай birlikнинг рўёбга чиқишида, энг аввало, ота-оналарнинг сиёсий онглилиги муҳим роль ўйнайди. Чунки ота-оналарнинг фаоллиги оилавий ҳаётда ўз ифодасини топади. Шу маънода болалар ўз ота-оналарининг сиёсий ва фуқаролик қиефаларига қараб ўз хулқ-атворларини тартибга соладилар, ҳурматларини жойига қўядилар.

Болалар улғая бошлаши биланок ўз ота-оналарининг қаерда ишлашлари, жамиятда тутган ўринлари, уларнинг билимига қизиқа бошлайдилар. Шунинг учун ҳам ота-оналарнинг нималарга қизиқишларини, кимлар билан сафдош эканликларини болалар мумкин қадар эртaroқ билганлари маъқул. Ота-она қандай ишда бўлмасин уни жиддий, эл ҳурматига лойиқ бир иш деб биладиган бўлиши керак. Бу борада оиладаги тарбиянинг мақсадга мувофиқ ташкил этилиши юзасидан жавобгарлик маълум даражада мактабга юкланади. Оиладаги ҳукмронликнинг тарбиявий жиҳатдан тўғри бўлишини таъминлаш мактабнинг муҳим вазифаларидан биридир. Оилавий тарбиянинг мазмунли ташкил этилишига дастлабки таъсирни мактаб белгилайди. Мактабгина оилавий тарбия самарадорлигини ошириш юзасидан раҳбарлик қила олади. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида, ижобий ҳал этилишида ота-оналар ўртасида олиб бориладиган тарбияга оид тарғиботнинг роли бениҳоядир. Чунки ота-оналарни ҳозирги замон руҳий-таълим-тарбиявий билимлар билан қуроллантирмай туриб, оилавий тарбияни йўлга қўйиб бўлмайди. Оммавий-тарбиявий тарғиботда энг яхши оилалар намунасида таъсир кўрсатиш энг мақбул йўлдир. Бола тарбияси юзасидан оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги ҳозирги кунимизнинг долзарб масалалиги ҳам мана шундадир. Чунки, биринчидан, бола тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигининг ўзи мураккаб жараён бўлиб, бунда муаллимлардан ташқари ишлаб чиқариш жамоалари вакиллари, ешлар, касаба уюшмалари иштирок этадилар. Иккинчидан, ота-оналар ва қариндош-уруғлар турли меҳнат жамоаларининг вакиллари бўлиб, ишлаб чиқариш ва еру дўстларининг маънавий ҳаётларидаги омилларни муҳокама қиладилар, уларнинг ҳаётга, санъатга, оилавий мажбуриятларга бўлган муносабатлари ҳақида гапирадилар. Шу сабабли ҳам мана шундай тоифа оилаларида тарбия топаётган болалар бошқа ота-оналарнинг кўчада, жамоат жойларидаги ҳаёт фаолиятларига қараб ўз ота-оналарига баҳо берадилар. Тўпланган тажрибаларни ясли, боғча, мактабдаги ўртоқлари билан муҳокама қиладилар ва ҳоказо.

Оилаларнинг болалар тарбияси учун имконият доиралари анча кенг бўлиб, қўплаб оилаларимиз моддий жиҳатдан яхши таъминланган. Ота-онанинг кўпи энг камида ўрта маълумотли. Бундай ҳолатлар ота-оналарнинг педагогика, психология соҳасидаги билимлар билан қуролланишига ва мактаб билан ҳамкорликда болалар тарбиясини яхшилаш имкониятларини яратади. Ота-оналарнинг билим савияси, умумий тарбияга оид маданияти, ижтимоий интилишлари ва талаблари, болалар тарбиясига нисбатан

турлича муносабатлари, шаклланган ҳаётий тажрибалари, тарбия ва ижтимоий тараққиёт натижасида ҳосил қилган ишонч ва эътиқодлари, оиладаги ўзига хослик болалар тарбиясига салмоқли таъсир кўрсатади.

Кўплаб қишлоқ оилаларида маълум даражада болалар тарбияси юзасидан жамоатчилик ердами мавжудлигига қарамасдан тарбиявий кучларнинг бир бутунлигига эришилмаган, ўзаро ҳамкорликни қандай ташкил этиш мумкинлиги ҳақида маълумот етарли эмас. Ўқитувчилар ҳам синф ота-оналар мажлисининг ўтказилиши мактаб ва оила ҳамкорлигини таъминлайди, деб ўйлашади. Тўғри, ота-оналар мажлиси ҳам ҳамкорликни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади, лекин оила, мактаб, жамоатчилик ҳамкорлиги учун, уларни бирлаштириш учун махсус ташкил этилган марказ бўлиши лозим.

Демак, мактаб мукаммал ташкилот сифатида барча тарбиявий ишларни мақсадга мувофиқ ташкил этиши лозим. Ўз ўқитувчилар жамоасини уюштира олган, жамоатчиликни болалар тарбиясига йўналтира олган, уларнинг ота-оналарини яхши билган мактаб маъмуриятигина тарбиявий ютуқларни қўлга кирита олади. Бундай мактаблар эса ўз атрофидаги завод, фабрика, жамоа ва давлат хўжаликлари, оталикқа олган корхоналар билан алоқани мустаҳкамлаб, ўқувчиларнинг мактабдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этмоқдалар, қаровсиз, тарбияси оғир болаларни ўз назоратларига олмақдалар. Бундай хайрли ишларда кўплаб ота-оналар мактаб билан яқиндан алоқада бўлиб ўқувчилар тарбияси юзасидан ўқитувчилар жамоаси билан бамаслаҳат иш олиб боришмоқда.

Лекин, кўплаб ота-оналар болалар тарбиясига тайер эмасликлари, уларга таъсир этувчи турли омиллардан беҳабарликлари, бола камолотининг мураккаб томонларини билмасликлари натижасида оилавий тарбияда кўплаб кўнгилсиз воқеалар ҳам содир бўлмоқда. Бундай салбий омиллар ўғил еки қизларнинг мактабдаги таълим-тарбиясига емон таъсир кўрсатмоқда. Вояга етмаган ешлар орасида қонунбузарликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали ҳам айрим ота-оналар болалар тарбияси ва уларнинг келажаклари ҳақида замон талаби даражасида тарбиявий масъулиятни ҳис қилмаяптилар. Ота-оналар билан суҳбатлашиш натижасида шу нарса аниқландики, улар фарзандлари 15-16 ешга етганидагина Ғўғлим еки қизим юқори синфда ўқимоқда. Келажакда қаярга юборсам экан, қаярга ўқитсам экан деган фикрга борадилар. Имкони борица, таниш-билиш орқали ўзлари учун маъқул даргоҳга ўқишга еки ишга жойлаштирамоқчи бўладилар. Улар болаларининг қобилиятига ҳам, қизиқишига ҳам, хоҳишига ҳам эътибор бермайдилар. Бундай ҳолат ота-оналарнинг тарбия масаласида аниқ мақсад ва дастурлари йўқлиги оқибатида содир бўлади.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айрим мактаб ўқитувчилари орасида ўз ишига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлувчи шахслар ҳам йўқ эмас. Уларнинг энг емон хатоларидан бири тарбияга оид барча камчиликларни ота-оналар зиммасига юклаб қўйиб, ўзлари эса кузатувчи бўлиб қолишларидир.

Ўқитувчи ота-оналарнинг фаол ердამисиз болаларнинг баркамоллигини таъминлай олмайди. Бу ўринда тарбиячининг ўзини тарбиялаш лозимлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Ўзига нисбатан талабчан муаллим ота-оналар билан ҳамкорликда ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилиш, янгиликни сезиш, ташаббускорлик ҳамда ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш мақсадида уларга қатъий талаблар қўйиш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлади.

Республикамизда айрим мактабларда ота-оналарни маълум гуруҳларга бўлиб мажлисларга чақириб жорий этилмоқда. Масалан, еш ва кам тажрибали оилаларни алоҳида, нотўлиқ оилаларни, кўп болали оилаларни алоҳида-алоҳида чақириб, улар билан ишлаш йўллари белгиланмоқда.

Баъзан ота-оналар болаларининг Ғуй вазибаларига ердам бериш керакми деган саволни беришади. Бунга Ға еки Ғйўқ дeб жавоб бериш ҳам ноўрин. Гап шундаки,

уйга берилген топшириқлар болаларнинг мустақил ишлари бўлиб, уларнинг фикрлаш фаоллигини таъминлашни мақсад қилиб қўяди. Ўқувчиларнинг у еки бу ўқув материаллари билан амалда танишишлари, тегишли хулоса чиқаришлари назарда тутилади. Шу сабабли уй вазифаларини болаларнинг иштирокисиз ўзлари ечиб бермасдан, балки уни ечишда тарбиявий раҳбарлик қилишлари, фикрлаш учун имконият яратишлари лозим. Баъзан шундай ҳолатлар учрайдики, ота-оналар болаларини ўқитаётган ўқитувчиларни, тарбиячиларни танимайдилар, билмайдилар. Болалари бўш вақтларини қаерда, ким билан ўтказишидан беҳабар бўладилар. Баъзан эса, ўқитувчиларнинг талаблари, илтимос-истакларига терс жавобберувчи, тескарисини бажарувчи ота-оналарни ҳам учратиш мумкин.

Мактабга тез-тез бориб турувчи ота-оналарнинг фаолияти мактовга сазовордир. Чунки ўқитувчилар билан бўлган учрашувлар, болалари юзасидан билдирган фикрлар ўз навбатида ота-оналар учун муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, улар болалари қаерда, ким билан юради, уларнинг дўстлари ким ва қандай фанларга қизиқишларини билиб оладилар, назорат қилиш имконияти ортади.

Мактабни оила билан боғловчи восита - бу ўқувчилардир. Ўқувчилар билан ишлаш, уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантириш, ижтимоий фаолликларини таъминлаш орқали ота-оналарга таъсир кўрсатиш усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада мактаб ва оила алоқасини таъминловчи ота-оналар мажлислари, болалар тарбиясига алоқадор муаммоларни жамоа бўлиб ҳал этиш кабиларнинг ролини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, ЁБолангизнинг қандай ўқишини биласизмиЎ, ЁБолаларимиз одоби ҳақида суҳбатлашайликЎ, ЁМустақил ҳаёт бўсағасидаЎ каби мавзуларда олиб бориладиган суҳбатлар ота-оналарни ўз болалари ҳақида, уларнинг келажаги ҳақида қайғуришларига сабаб бўлди.

Юқоридаги масъулиятли вазифаларнинг бажарилишида синф раҳбарларининг тарбиявий фаолиятлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, синф раҳбарларининг ҳар бир оилага кириб бориши шу оилага ва ота-оналарга ҳурмат сифатида баҳоланади. Синф раҳбарининг ота-оналар билан биргаликда тарбиявий чора-тадбирларни белгилашлари, синф раҳбарининг ўқувчилар кўз олдида ота-оналари билан суҳбатлашишлари уларнинг тарбиясига самарали таъсир кўрсатади. Синф раҳбарининг ота-оналар билан суҳбатидан кейин ҳқувчилар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз беради, бу уларни хурсанд қилади, янада куч-ғайрат сарфлашга илҳомлантиради. Ўз навбатида, синф раҳбарлари ота-оналар томонидан билдирилатган хабар. Танқидий фикрларини вазминлик билан тиклашлари, иулойимлик билан эшитишлари ва имконият доирасида ижобий ҳис этишлари жуда муҳимдир. Бундай муносабатларда синф раҳбарларига ота-оналарни ўз тенгқурларидек дўст тутишлари, ЁКелинг биргаликда ўйлаб кўрайликЎ, ЁСиз нима дейсизЎ каби дўстона савол-жавоблар орқали иш тутишлари тавсия этилади.

Оилада комил инсонни тарбиялашнинг педагогик технологияси.

- 1.И.Каримов асарларида комил инсон тарбияси ҳақидаги фикрларини талықлаў.
- 2.Комил инсонни тарбиялашда оиланинг урни.
- 3.Боланинг яхши ривожланиши учун керакли шароит ва ижодий психологик мухитни яратип бериш.

4.Боланинг характери ва температментига асосланган ҳолда тарбия методларининг усулини таңлаш.

Саволлар туплами

1. Оила ва оилада фарзанд тарбияси масалалари.
2. Оила тарбияси муаммоларини ечиш йуллари.
3. Болаларнинг одоб-ахлоқ тарбияси
4. Оилада болаларни одоб-ахлоқ тарабтан тарбиялашнинг методлари, усуллари, формалари
5. Гэрезсизлик дэўиринде шаңарақта бала тэрбиясы мэселелери
6. Шаңарақ тэрбиясын жетилиштириў жоллары ҳэм формалары
7. Шаңарақ тэрбиясын жетилиштириўде улыўма инсанийлық ҳэм миллий қэдириятлардан пайдаланыў
8. Шаңарақтың жэмийеттеги тутқан орны ҳэм аҳмийети
9. Гэрезсизлик дэўиринде бала тэрбиясын шешиў мэселелери
10. Бала тэрбиясы машқалалары ҳэм оны шешиў жоллары
11. Шаңарақта дурыс шараятлардың қэлиплесиў машқалалары
12. Халық аўызеки дэретпелериниң негизлери ҳэм оның тэрбиялық аҳмийети
13. Шаңарақта хаял ҳэм қыз балалар тэрбиясы машқалалары ҳэм оны шешиў жоллары
14. Шаңарақта қыз бала тэрбиясында ананың тутқан орны

- 15.Орайлық Азия алламаларының шаңарақта бала тәрбиясы хақындағы пикирлери
- 16.Уллы алламалар мийрасларындағы шаңарақ тәрбиясы хэм оның тәрбиялық әхмийети
- 17.Шығыс ойшылларының шығармаларында тәрбиялық пикирлердин сәўлелениўи
- 18.Ата-ананың перзент алдында парызлары хақында уллы шығыс ойшылларының пикирлери
- 19.Ибн Сино шығармаларындағы шаңарақ тәрбиясы
- 20.Бала тәрбиясында ата-ананың тутқан орны
- 21.Шаңарақта ата-ана парызы хэм ўазыйпалары
- 22.Шаңарақта балалар тәрбиясын шөлкемлестириў жоллары
- 23.Шаңарақта ата-аналар гигиена хақындағы түсиниклери
- 24.Шаңарақта балалардың гигиеналық тәрбиясының дурыс жолға қойылыўының улыўма тәрбиялық әхмийети
- 25.Гигиеналық тәрбия мазмуны хэм оның әхмийети
- 26.Шаңарақларды тәрбия мүмкиншиликлерине қарап бөлиў
- 27.Бир ямаса кем балалы шаңарақларда бала тәрбиясы
- 28.Көп балалы шаңарақта бала тәрбиясы
- 29.Толық ямаса толық емес шаңарақлар хақында түсиниклер
- 30.Хэзирги заман шаңарақларының тәрбиялық ўазыйпалары
- 31.Аўыллық жерлердеги шаңарақлардың тәрбиясы хэм оның өзгешеликлери
- 32.Қалалық жерлердеги шаңарақлардың тәрбиялық өзгешеликлери
- 33.Шаңарақларда ул хэм қыз бала тәрбиясы
- 34.Шаңарақта перзенттиң туўылыўы
- 35.Ата-анаға тән билимлер бериў
- 36.Ата-аналардың шаңарақта бала тәрбиясы бойынша тәрбия мәкемелери менен байланысы